



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 13 февралда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 28 майда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун хайвонларни жисмоний ва юридик шахслар томонидан сақлаш ва (ёки) кўпайтириш билан боғлиқ бўлган, ушбу Қонунда назарда тутилган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

2-модда. Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисидаги қонунчилик

Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
ваколатли давлат органининг вакили – туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ходими;

идентификация қилиш воситалари – ҳайвоннинг идентификация рақамини ўз ичига оладиган, уни бошқа ҳайвонлардан ажратиш имконини берадиган визуал биркалар, электрон микрочиплар ва аралаш микрочипли биркалар;

идентификация қилиш объектлари – жисмоний ва юридик шахслар томонидан сақланадиган ва (ёки) кўпайтириладиган ҳайвонлар;

электрон ахборот тизими – идентификация қилинган ҳайвонлар рўйхати билан уларни рўйхатга олиш, ҳисобдан чиқариш ва бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олувчи маълумотлар базаси;

ҳайвонлар – жисмоний ва юридик шахслар томонидан сақланадиган ва (ёки) кўпайтириладиган қорамол, қўйлар, эчкилар, чўчкалар, отлар, туялар, итлар, мушуклар;

ҳайвоннинг идентификация рақами – ҳайвонга бир марта бериладиган ҳамда бошқа ҳайвонларда такрорланмайдиган ҳарфли ва рақамли рамзларга эга ноёб код;

ҳайвонларни идентификация қилиш – ҳайвонлар тўғрисидаги тегишли маълумотларни (ёши, жинси, ранги, зоти ва бошқа зарур кўрсаткичларни) аниқлаш учун ҳайвонларга идентификация рақамини ўрнатиш;

ҳайвонларни кузатиш – ҳайвонларнинг бутун яшаш даври давомида уларнинг келиб чиқиш жойи, туғилиши ва кўчиб юриши (миграцияси) ҳақидаги, шунингдек ҳайвонларда учрайдиган касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

ҳайвонларни рўйхатга олиш – ҳайвонларни идентификация қилиш натижасида олинган ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан уларга берилган идентификация рақамлари ҳақидаги маълумотларни электрон ахборот тизимида киритиш;

ҳайвоннинг эгаси – ҳайвонларни ўз эҳтиёжлари, хизмат мақсадлари учун ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун сақлаш ва (ёки) кўпайтириш билан шуғулланувчи ҳамда ҳайвонларга тегишинча мулк, оператив бошқариш ҳуқуқлари асосида ёки бошқа қонуний асосларда эгалик қилувчи жисмоний ёки юридик шахс;

ҳайвонни ҳисобдан чиқариш – идентификация қилинган ҳайвонга тегишли бўлган маълумотларнинг электрон ахборот тизимидаги фаоллигини белгиланган тартибда тугатиш.

2-боб. Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасини тартибга солиш

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш, кузатиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини ҳамда босқичларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**5-модда. Ваколатли давлат органининг ҳайвонларни
идентификация қилиш, рўйхатга олиш
ва кузатиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш бўйича тадбирларни ташкил этади;

ҳайвонларни идентификация қилиш воситаларини ишлаб чиқарувчиларга мажбурий атрибут рақамларини белгилайди;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш, кузатиш ва ҳисобдан чиқариш ишларининг мониторингини амалга оширади;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш, кузатиш ва ҳисобдан чиқариш ишларининг бажарилишини ташкил этади;

ҳайвонларнинг эгаларига ҳайвонларни идентификация қилиш бўйича хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш қўмитаси қошидаги Ҳайвонларни
идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш
марказининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси қошидаги Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш маркази (бундан буён матнда Идентификация маркази деб юритилади):

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш, кузатиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича тадбирларни ташкил этади;

электрон ахборот тизимини мувофиқлаштиради ва реал вақт режимида электрон ахборот алмашинувини таъминлайди;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасида ўқитиш ҳамда малака оширишни ташкил этади;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш, кузатиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартиб-таомилларини ишлаб чиқади;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизимини такомиллаштириш бўйича халқаро тажриба асосида таклифлар ишлаб чиқади.

Идентификация маркази қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**7-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг
ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш
ва кузатиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги тасдиқланган ҳудудий дастурларни амалга оширади;

тегишли ҳудудда ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишига қўмаклашади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг
ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш
ва кузатиш бўйича тадбирларда иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатишни ташкил этишда давлат ветеринария хизматида қўмаклашади;

хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш бўйича бошқа тадбирларда ҳам қонунчиликка мувофиқ иштирок этиши мумкин.

3-боб. Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатишга доир умумий талаблар

9-модда. Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва ҳисобдан чиқариш шартлари ҳамда тартиби

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жисмоний ёки юридик шахслар томонидан сақланадиган ва (ёки) кўпайтириладиган хайвонлар идентификация қилиш объекти сифатида белгиланган тартибда идентификация қилиниши ҳамда рўйхатга олинishi керак.

Қорамол, қўйлар, эчкилар ва туялар туғилганидан ўн тўрт кундан кейин, отлар туғилганидан тўрт ойдан кейин, чўчқалар туғилганидан бир ойдан кейин, итлар ва мушуклар туғилганидан уч ойдан кейин идентификация қилиниши ҳамда рўйхатга олинishi лозим. Бунда хайвонлар кўрсатилган муддатлар тугаганидан кейин бир ойдан кечиктирмай идентификация қилиниши ва рўйхатга олинishi керак.

Сақлаш ва (ёки) кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган хайвонлар олиб кирилган санадан эътиборан йигирма бир кундан кечиктирмай идентификация қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикасида сақланадиган ва (ёки) кўпайтириладиган хайвонлар сўйилган (нобуд бўлган, ўлган, йўқ қилинган) ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилган тақдирда етти кунлик муддатда ҳисобдан чиқарилади.

Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатишга қаратилган тадбирлар хайвонлар эгаларининг ўз маблағлари, ҳомийлик хайриялари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Хайвонларнинг эгаларидан тўлов ундирмасдан хайвонларни идентификация қилиш ва рўйхатга олиш тартиби ҳамда босқичлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш, кузатиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби ҳамда босқичлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

10-модда. Электрон ахборот тизими

Электрон ахборот тизимидан хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ҳамда бошқариш, шунингдек хайвонлар тўғрисида ишончли ахборот олиш мақсадида фойдаланилади.

Идентификация маркази электрон ахборот тизимининг операторидир.

Электрон ахборот тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

хайвоннинг эгаси жисмоний шахс бўлган ҳолларда – жисмоний шахснинг фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган санасини, шахсий идентификация рақамини, жисмоний шахснинг ёки яққа тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойини ва телефон рақамини;

хайвоннинг эгаси юридик шахс бўлган ҳолларда – юридик шахснинг тўлиқ номини, давлат рўйхатидан ўтган санасини, манзилини, солиқ тўловчининг идентификация рақамини ҳамда ушбу юридик шахс раҳбарининг фамилиясини, исмини, отасининг исмини ва телефон рақамини;

хайвонлар тўғрисидаги маълумотларни;

хайвонлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган санани (саклаш ва кўпайтириш мақсадида олиб кирилганда);

идентификация қилиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни;

хайвонларнинг идентификация рақамларини;

хайвонлар сўйилган (нобуд бўлган, ўлган, йўқ қилинган) ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилган санани;

хайвонларда учрайдиган касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш тўғрисидаги ахборотни.

Электрон ахборот тизимига ахборотни, идентификация қилинган хайвонлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва мазкур тизимдан фойдаланиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

11-модда. Ваколатли давлат органи вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ваколатли давлат органининг вакили қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хайвонларни идентификация қилиш бўйича зарур тадбирларни ўтказиш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

хайвонлар эгаларининг ҳудудига ва идентификация қилинган хайвонлар ёки идентификация қилиниши, рўйхатга олиниши, кузатилиши ва ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган хайвонлар сақланадиган жойларга қонунчиликда белгиланган тартибда кириш;

хайвоннинг эгасидан хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш, кузатиш, ҳисобдан чиқариш учун зарур бўлган ахборотни олиш ва хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш, кузатиш, ҳисобдан чиқариш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ваколатли давлат органининг вакили:

хайвон эгасининг мурожаатига асосан беш иш куни ичида хайвонни идентификация қилиши ва рўйхатдан ўтказиши;

ушбу Қонун 9-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда хайвон эгасининг мурожаатига мувофиқ икки иш куни ичида хайвонни ҳисобдан чиқариши;

идентификация қилинмаган ва рўйхатга олинмаган хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш бўйича барча зарур чораларни кўриши;

электрон ахборот тизимига маълумотларни ўз вақтида киритиши шарт.

Ваколатли давлат органининг вакили қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

12-модда. Ҳайвон эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ҳайвоннинг эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

электрон ахборот тизимидан ўзига тегишли бўлган ҳайвонлар тўғрисидаги ахборотни олиш;

ўзига тегишли бўлган ҳайвонларни идентификация қилишни ва рўйхатдан ўтказишни ваколатли давлат органи вакилидан талаб қилиш;

ваколатли давлат органи вакилининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш;

идентификация қилинган ҳайвонларда ўтказилган ташхис қўйишга доир текширишлар ва даволаш натижалари ҳақида ахборот олиш;

давлат ветеринария хизматидан мамлакат ҳудудидаги эпизоотик вазият ва профилактика тадбирлари тўғрисида бепул ахборот олиш.

Ҳайвоннинг эгаси:

ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

ўзига тегишли бўлган ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва ҳисобдан чиқариш учун, шунингдек ҳайвоннинг эгаси алмашган тақдирда қайта рўйхатга олиш учун ваколатли давлат органига қонунчиликда белгиланган муддатларда электрон тарзда ёки тўғридан-тўғри мурожаат қилиши;

идентификация қилинмаган ва рўйхатга олинмаган ҳайвонларнинг сақланишига ва (ёки) кўпайтирилишига йўл қўймаслиги шарт.

Ҳайвоннинг эгаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

4-боб. Якунловчи қоидалар

13-модда. Низоларни ҳал этиш

Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

14-модда. Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

15-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

16-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид
бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари
ва бекор қилишларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир йил ўтгач
кучга киради.

Ушбу Қонун 12-моддасининг иккинчи қисми 2028 йил 1 январдан
эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2025 йил 6 август
№ ЎРҚ–1079